



“ИЖТИМОЙ-КОММУНИКАТИВ ФАОЛЛИК” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Тажихал Кудайбергенова

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ доценти, п.ф.н.

Гульнар Кунназарова

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ мустақил тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8123929>

ARTICLE INFO

Received: 28th June 2023

Accepted: 01st July 2023

Online: 02nd July 2023

KEY WORDS

Фаоллик, ижтимоий
фаоллик, коммуникатив
фаоллик, ижтимоий-
коммуникатив фаоллик,
ижтимоий-коммуникатив
компетентлик.

ABSTRACT

Ҳар қандай илмий муаммонинг моҳиятини ёритишда туркум таянч тушунчалардан фойдаланилади. Таянч тушунчаларнинг назарий жиҳатдан шарҳланиши муаммо моҳиятининг тўлиқ англанишини таъминлайди. Шу боис барча соҳаларда тадқиқотчилар таянч тушунчаларнинг шарҳланишига эътиборни қаратади. Талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш муаммосини тадқиқ қилишда ҳам бир қатор тушунчалар марказий ўринни эгаллайди. Мақолада ижтимоий-коммуникатив фаолликни тавсифловчи туркум таянч тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган.

Ривожланган мамлакатлар тараққиёти тажрибасидан маълумки, халқаро алоқалар мамлакат ривожини таъминлашда етакчи омил саналади. Халқаро алоқаларнинг кенг кўламда ва самарали ташкил этилишида ҳамкорлик йўлга қўйилаётган мамлакат тарихи, маданияти ҳамда тил хусусиятларини билиш муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ривожланган мамлакатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳамкорликнинг ташкил этилишига эришиш устувор ўрин эгаллади. Халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси бўлган субъектлар (давлат арбоблари, ишбилармонлар, мутахассислар)нинг чет тилларни пухта ва мукамал билишлари ҳамкорлик самарасининг таъминланишини кафолатламоқда. Шу боис сўнгги йилларда жамият аъзолари, шу жумладан, ёшлар ўртасида чет тилларни ўрганишга бўлган рағбат юзага келди. Юзага келган рағбатни янада ривожлантириш, талабаларнинг чет тиллари, хусан, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишини ривожлантириш, бадий адабиётлар воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш таълим муассасалари олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида ташкил этиладиган тадбирлар ўқув машғулотларидан фарқ қилиши, “таълим олувчиларнинг ўзларига кўпроқ эркинлик берилиши – маърузалар билан чиқиш қилиш, мавжуд тажрибаларини намоиш этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиши керак [13].



Шахснинг шаклланишида ижтимоий-коммуникатив фаоллик муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ижтимоий-коммуникатив фаоллик шахснинг жамиятда – микро ва макро муҳитда шахсга ўз ўрнини топишга ёрдам беради.

Инглиз тилини ўрганишда талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини оширишнинг аҳамиятини ёритишда, энг аввало, таянч тушунчалар бўлган – фаоллик, ижтимоий фаоллик, коммуникатив фаоллик ҳамда ижтимоий-коммуникатив фаоллик тушунчаларнинг моҳиятидан тўла хабардор бўлиш мақсадга мувофиқ саналади.

“Фаоллик” тушунчасининг ўзагини “фаол” атамаси ташкил қилади. Форсчадан таржима қилинганда (“فعال”) “фаол” атамаси “ҳаракат қилувчи”, “таъсир кўрсатадиган” маъноларини англатади [12, 325-б.]. “Фаоллик” тушунчаси эса мантиқий жиҳатдан “меҳнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик, таъсирчанлик” [12, 326-б.]ни ёритади.

Педагогик ва психологик адабиётларда фаоллик шахс фаолиятида кўзга ташланадиган асосий хусусият, фаолиятнинг самарадорлигини белгиловчи ўлчов, шунингдек, шахсга хос сифатлардан бири тарзида кенг тадқиқ этилган. Уларда гарчи “фаоллик” тушунчасига нисбатан турли нуқтаи назардан ёндашилган бўлса-да, мавжуд қарашлар мазмунан бир нуқтада “кесишади”. Хусусан, фаоллик (ингл. “activity”; нем. “tätigkeit”; рус. “активность”) – инсонларни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундайдиган эҳтиёжлар [6, 534-б.]; тирик мавжудот томонидан ихтиёрий хатти-ҳаракатларни содир этиш қобилиятини англатувчи тушунча [1, с. 19]; атрофдаги борлиқ билан ўзаро фаол боғланган фаолият бўлиб, унда тирик мавжудот объектга мақсадли таъсир кўрсатувчи субъект сифатида намоён бўлади ва шундай йўл билан ўзининг эҳтиёжларини қондиради [4].

Бизнинг фикримизча, фаоллик: 1) тирик организмнинг ўз яшовчанлигини таъминловчи ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракати (умумий маънода); 2) шахснинг ҳаётий интилиши, мақсади йўлида сабот билан изчил ҳаракат қилиши ҳамда эритмадаги моддалар концентрацияси (моддаларнинг тўйинганлиги; тор маънода).

Фаолликнинг бир нечта тури мавжуд. Улар: физиологик фаоллик; жисмоний фаоллик; ўқув-билиш фаоллиги; ақлий фаоллик; ҳиссий фаоллик; ижтимоий фаоллик; меҳнат фаоллиги; касбий фаоллик.

Эътиборли жиҳати фаоллик шахснинг ҳам маънавий-ахлоқий (ижтимоий фаоллик тарзида) ҳам иродавий (иродавий фаоллик тарзида) ҳамда ҳиссий (таъсирчанлик, тез таъсирланиш тарзида) сифатлари сирасига киритилади. Шу боис шахс фаоллигини ошириш жараёнига мажмуавий ёндашиш талаб этилади.

Психологик тадқиқотларда шахс фаоллиги даражасини ўрганишга ҳам долзарб муаммо сифатида ёндашилган. Натижада шахс фаоллиги даражасини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Шахснинг фаоллиги даражасини ўрганишда қуйидаги мезонлар аҳамиятли саналади: 1) индивиднинг ички ҳолати хусусиятларига кўра фаолият давомида ташкил этилган хатти-ҳаракатларнинг тезлигидан қатъий назар шароитга мослиги; 2) ихтиёрийлик (у субъект мақсади билан шартланиш асосида юзага келади); 3) мавжуд вазият билан боғлиқлик (ушбу вазият бошланғич мақсадлар негизида келиб чиқади);



4) қабул қилинган мақсадга мувофиқ равишда фаолиятнинг ўта изчиллиги (мазкур изчиллик субъект фаолиятни амалга оширишда ўзи дуч келишни хоҳлайдиган предметга суғуштиришдан фарқ қилади) [1, с. 19].

Бизнинг фикримизча, шу ўринда фаолликнинг доминантлашуви ҳам мезонлар сирасига киритиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, фаоллик шахснинг барқарор характерга эга хислатларидан бирига айланмас экан, у ҳолда фаолият самарадорлигини ушбу сифат нуқтаи назардан баҳоланиши бефойда. Қолаверса, фаоллик шахс томонидан фаолиятнинг у ёки бу турида эришиладиган давомли ютуқлар учун асос бўлади. Шахснинг ички потенциални реал, ҳаққоний баҳоланишида давомли ютуқлар ва уларнинг салмоғи муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга нафақат психологик, балки педагогик нуқтаи назардан шахс фаоллигини белгилашда устуворлик касб этадиган хатти-ҳаракатни ташкил этишга самарали таъсир кўрсатадиган омиллар ҳам аниқланган. Бу ўринда З.Т.Рахимов куйидаги омиллар шахс фаоллигининг асоси бўлган хатти-ҳаракатни юзага келтирадиган омиллар, дея эътироф қилинган: 1) хатти-ҳаракат; 2) ихтиёрий ёндашув; 3) мавжуд вазиятнинг инobatга олинганлиги; 4) фаолиятнинг изчиллиги; 5) фаолият изчиллигини таъминлай оладиган лаёқат (қобилият)га эгаллик [9, 45-б.]. Бу ўринда муаллимнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда куйидаги фикрни билдириб ўтмоқчимиз: хатти-ҳаракат шахс фаоллигини таъминловчи омиллар сирасига киритилмаслиги лозим. Чунки хатти-ҳаракат фаоллик учун омил эмас, балки асос ҳисобланади.

Инглиз тили воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш муаммосини ўрганишдаги таянч тушунчалардан яна бири ижтимоий фаолликдир. Бадиий асарлар, талабаларнинг ижтимоий коммуникатив фаоллигини ривожлантиришнинг назарий педагогик асослари сифатида катта аҳамиятга эга [14, 132-133б].

Ижтимоий фаоллик шахснинг ижтимоий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокини англатади. Ижтимоий муносабатларни ташкил этиш учун шахс муайян малакаларга эга бўлиши зарур. “Ўз ҳис-туйғулари ва ҳиссиётини ифодалай олиш, таниш-нотаниш бўлса-да, катталар ва ўз тенгдошлари билан маълум, тегишли жараёнларда биргаликда фаолият кўрсатиш, бир-бирларига ёрдам бериш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзининг ҳиссий ҳолатини бошқара олиш малакалари” [10] шахсда ижтимоий фаолликнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра “ижтимоий фаоллик” куйидагича шарҳланади: шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилиши чорасини белгиловчи даража; унинг ижтимоий фаолиятнинг барча турларидаги иштирокини баҳоловчи кўрсаткич [8]. Дараҳақиқат, ижтимоий фаоллик шахснинг ижтимоий муносабатларга кириши, бу жараёнда самарали, муваффақиятли иштирок этиши; ўзининг ижтимоий билимлари, мавжуд амалий ҳаётий тажрибаси билан бошқаларга таъсир эта олиши; муайян фаолият турлари, масалан, ижтимоий-фойдали меҳнат, ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиши; ижтимоий микро ва макро гуруҳларда етакчи бўлиши; ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ёки муайян ижтимоий вазифаларни бажаришда ташаббускорлиги каби ҳолатларни ифодалайди.



“Коммуникатив фаоллик” тушунчаси ҳам инглиз тили воситасида талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаоллигини ошириш муаммосини ўрганишдаги таянч тушунчалардан яна бири саналади.

Аксарият педагогик, психологик ҳамда социологик тадқиқотларда кўпроқ “коммуникатив фаоллик” тушунчаси эмас, балки “коммуникатив компетентлик” атамасининг моҳияти кенг таҳлил қилинган. Ҳар икки ҳолатда ҳам шахсга хос ушбу сифатлар икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида бевосита ёки оммавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари ёрдамида билвосита ташкил этиладиган коммуникация жараёнида намоён бўлади.

Коммуникация – икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида ахборотларни ҳамда ахборот мазмунининг алмашиши бўлиб, мулоқотдан фарқланади. Мулоқотдан коммуникациянинг фарқи бу жараёнда иштирок этаётганларнинг ҳеч бўлмаганда бири аниқ мақсадга эга бўлади. Қуйидагилар коммуникация малакалари ҳисобланади:

1. алоқанинг осон ўрнатилиши;
2. суҳбатнинг қўллаб-қувватланиши;
3. бошқаларни эшита билиш;
4. ўз нуқтаи назарини айта олиш;
5. ўз позициясининг далиллай олиш ва ўз позициясида қолиш;
6. мурасали қарорга келиш малакасига эга бўлиш [11].

Турли эҳтиёжлар мулоқот жараёнидаги шахс коммуникатив фаоллигининг манбалари ҳисобланади. Улар: ўзини ўзи намоён қилиш эҳтиёжи; бошқа шахслардан ахборот олишга бўлган эҳтиёж; бошқа шахсга ахборотни узатиш эҳтиёжи; зўриқиш, хавотирни бартараф қилишга бўлган эҳтиёж (жисмоний фаоллик кўринишидаги); бошқа шахснинг ғоялари, хулқ-атвори, ҳаётий дастурига фаол таъсир кўрсатишда устунликка эришиш эҳтиёжи; рабарқарорликка эришиш эҳтиёжи; бошқалар тўғрисида қайғуриш, уларга ҳомийлик қилиш эҳтиёжи; мулоқот жараёнидаги шерик билан ягона нуқтаи назарларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж; ўзгаларнинг қайғусига шерик бўлиш эҳтиёжи; қувонч, қайғу ва бошқа шу кабиларни бошқалар билан бўлиши эҳтиёжи [2, с. 83].

О.В.Вычегжанина, Е.Л.Никитина ижтимоий-коммуникатив компетентликни шахс фазилатларини тавсифловчи сифатлар йиғинди деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, ижтимоий-коммуникатив компетентликка эга бўлиш орқали шахс қуйидагиларга эришади: ўзаро уйғун равишда атрофдаги кишилар билан биргаликда фаолият кўрсатади; мулоқот жараёнида зарур ахборотларни олишга тайёрликни ифодаловчи ижтимоий алоқаларни ўрнатади ва ўзаро коммуникацияни ташкил этади; олинган ахборотга ва борлиққа нисбатан ўз нуқати назари, ёндашувини ифодалайди; атрофдагиларнинг манфаатлари ҳамда улар томонидан эътироф қилинган қадриятларга нисбатан ҳурмат кўрсатади; социум (ижтимоий борлиқ) билан биргаликда турли масалаларни ҳал қилишда самарали фаолият юритади [3, с. 96-97]. Ижтимоий-коммуникатив фаоллик эса шахснинг мазкур ҳолатларни муваффақиятли ҳал қилишга қаратилган ҳаракатининг юқори даражада ташкил этилишини англатади. Шунга кўра, “ижтимоий-коммуникатив фаоллик” тушунчасини шундай таърифлаш мумкин: шахснинг атрофдагилар билан ижтимоий муносабатлар



жараёнида ўзаро ахборот алмашиш (коммуникация)га эришишга қаратилган ҳаракатининг юқори даражаси.

Ижтимоий-коммуникатив компетентликка эгаллигини баҳоловчи педагогик диагностика ғоялари [7, с. 56]га таянган ҳолда шахснинг ижтимоий-коммуникатив фаоллиги натижалари тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Шахс ижтимоий-коммуникатив фаолликка эга бўлар экан, суҳбатлар жараёнида тенгдошлари ва ҳатто катталар-у кичиклар билан тез мулоқотга киришади; ҳеч бир қийинчиликсиз ўзига зарур бўлган ахборотни қўлга киритади; ҳар доим суҳбатдошига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлади, унинг фикрларини қадрлайди, борди-ю, у томонидан хатоликка йўл қўйилса, буни танқид орқали эмас, балки таклиф сифатида билдиради; суҳбатдошининг ёши, ижтимоий мақоми, касби, лавозимидан қатъи назар у билан оддий, самимий суҳбатлашади; ўз фикрини “дипломатик ёндашув” асосида босиқлик билан хотиржам ифодалайди; ўзининг суҳбат жараёнидаги хоҳиш-истагини бошқаларнинг хоҳиш-истаклари билан мос келишига эътиборли бўлади; ижтимоий муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмайди, аксинча, уларни ижобий ҳал қилишда ташаббускор, ташкилотчи бўлади, ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида фаол иштирок этади; бошқаларга, айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар ёрдам беришга доимо тайёр, шай туради; муаммоли вазиятларда ҳам босиқлик кўрсатади, субъектлар билан зиддиятга бормайди, аксинча, мурасага келиш йўллари излайди.

Шундай қилиб, ижтимоий-коммуникатив фаоллик шахснинг атрофдагилар билан ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзаро ахборот алмашиш (коммуникация)га эришишга қаратилган ҳаракатининг юқори натижаси сифатида намоён бўлади. Юқори натижа ўз-ўзидан шахс манфаатларининг атрофдаги ижтимоий субъектлар манфаатлари билан уйғунлиги эканини кўрсатади. Глобал ахборотлашув шароитида шахснинг ижтимоий муносабатлар маҳсули ҳамда муайян жамиятнинг аъзоси сифатида ижтимоий-коммуникатив фаолликка эриша олиши ўзига хос долзарблик касб этади.

References:

1. Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 19.
2. Васюра С.А. Коммуникативная активность человека: понятие, источники, формы проявления, условия осуществления // Ж. Вестник Вятского ГУа. – Киров: 2006. – С. 83.
3. Вычегжанина О.В., Никитина Е.Л. Формирование социально-коммуникативной компетентности у старших дошкольников // Научно-мет. электронный ж. “Концепт”. – Киров: 2017. – Т. 29. – С. 96-97.
4. Значение слова активность // <https://поискслов.рф/wd/активность/>
5. Коджаспирова Г. М., Коджаспиров А. Ю. Педагогический словарь / Для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений. – М.: Изд-кий центр “Академия”, 2001. – С. 8-9.
6. Педагогика фанидан изоҳли луғат / Ж.Ҳасанбоев ва б. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 534-б.
7. Педагогическая диагностика компетентностей дошкольников / Для работқ с детьми 5-7 лет. Под ред. О.В.Дыбиной. – М.: Мозаика-Синтез, 2010. – С. 56.



8. Понятия и категории. Вспомогательный проект портала ХРОНОС // <http://ponjatija.ru/taxonomy/term/4033>.
9. Рахимов З.Т. Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (5111000 – Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши мисолида): пед.фанл. бўйича фалс.доктори (PhD) ... дис. – Т.: 2018. – 45-б.
10. Теоретические основы воспитания / Учебник для студентов сред. проф. учеб. Заведений. В.П.Сергеева, Э.К.Никитина, М.Н.Недвецкая. – М.: ИЦ Академия, 2010. – 272 с.
11. Тернавская Е.В. Социально-коммуникативное развитие детей дошкольного возраста в процессе игровой деятельности // <https://www.xn--d1abkefqip0a2f.xn--p1ai/index.php/component/k2/item/2518--539>.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.мадвалиев тахр.остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 325-326-б.
13. Кунназарова Г. (2022). ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЖАРАЁНИДА К.Г.ПАУСТОВСКИЙНИНГ “ЭСКИ ҚАЙИҚ” (“OLD BOAT”) АСАРИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ-КОММУНИКАТИВ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ (ИНГЛИЗ ТИЛИ МИСОЛИДА). EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.1 | SJIF = 5.685, www.in-academy.uz, Volume 2 Issue 13, December 2022 ISSN 2181-2020
14. Kunnazarova, G. . (2023). MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLAR JARAYONIDA INGLIZ TILI MISOLIDA BADIY ASARLAR VOSITASIDA TALABALARNING IJTIMOY KOMMUNIKATIV FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI. Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования, 2(9), 132–133. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdpp/article/view/18504>